



ҚУРИЛИШ ТЕРМИНОЛОГИЯСИНИНГ ТАРЖИМА ҚИЛИШ МУАММОЛАРИ

Нозима Икромовна Гафурова

ФарДУ, инглиз тилини ўқитиш методикаси кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6226464>

МАҚОЛА ТАРИХИ

Qabul qilindi: 09-fevral 2022

Ma'qullandi: 14-fevral 2022

Chop etildi: 19-fevral 2022

KALIT SO'ZLAR

термин, қурилиш терминологияси, таржима муаммолари, эквивалент, матн, таржима, таржимон, таржима усуллари.

ANNOTATSIYA

Замонавий тилшуносликда терминлар таржимасида уларнинг муқобил вариантлар излаш, эквивалентларини аниқлаш атрофлича ўрганилмоқда. Технологиялар ривожланиши қурилиш терминологиясининг кенгайишига ва уларнинг таржима масалаларига алоҳида эътибор беришга олиб келади. Терминлар таржимасида таржима усулларинос холатда қўллаш матннинг тўлиқ моҳиятини ифодалашга замин яратади.

Таржима замонавий турмуш тарзимизнинг ижобий тарафга ўзгариши, халқаро алоқаларнинг мустахламланиши ва жамият ривожланишида жуда катта аҳамиятга эга деб айтиш муболаға бўлмайди. Таржима кўплаб муаммоларни ечишда, турли хил тилда сўзлашувчи миллат ва элатларнинг бир бирини тушунишида, тўғри англашда, ҳамда технология ва турли соҳаларни янада ривожлантириш учун тажриба алмашинувида катта бир куч, кўприк ва албатта энг муҳим алоқа воситаси сифатида хизмат қилади.

Шундай экан аввал 'таржима' тушунчаси ҳақида бир неча олимлар берган фикрларни атрофлича талқин этамиз. Шотландиялик буюк

таржимашунос олим Джон Кетфорднинг фикрига кўра "Таржима - бу бир тилдаги матннинг иккинчи бир тилдаги ўрнини боса оладиган эквивалентидир"¹. В.Н.Комиссаров 'таржима'га тиллараро мулоқотда матннинг аслига мувофиқ эквивалентини аниқлаш деб изоҳини бермоқда². Демак, таржима жараёнида таржима қилинаётган тилда мувофиқ эквивалент излаш, ушбу эквивалентни матнда тушунарли тарзда ифодалаш каби масалалар муҳимлиги ҳамда таржимондан махсус кўникма талаб

¹ Маркованс.... қаранг Кетфорд

² Комиссаров В.Н.Теория перевода.



қилиши таржима вазибаларидан бири деб ҳисоблаймиз.

Ҳар қандай таржимон матн таржимасига киришар экан, аввало матн айнан қайси соҳага тегишли эканлигини аниқлаб олиши жоиз. Айнан соҳа аниқ бўлганидан сўнгина таржимон контекстда берилган кўп маъноли сўзларни ва терминларнинг таржимасида муаммога дуч келади. Чунки айрим сўзлар соҳа терминлари сифатида битта маъно англатиб, умумий лексика сифатида бошқа маъно беради. Шунинг учун ушбу тадқиқотда икки ва ундан ортиқ маъно берадиган сўзларга эътиборимизни қаратар эканмиз, уларнинг термин ва умумий лексика сифатида қўлланиш фарқларини юзага чиқаришга ҳаракат қиламиз.

Таржима жараёнида айрим сўзларнинг айнан ўша тилдаги эквиваленти топилмаслиги муаммо келтириб чиқаради. Агар бу сўз термин бўлса, мантининг таржимаси мутлақо тушунарсиз бўлишига олиб келади, масалан: *Stretched Canvas Art is professionally produced on a gallery quality matte material in a brilliant color, and stretched over a sturdy wooden frame.* Бу мантининг биринчи сўзини ўзидаёқ таржима муаммоларига дуч келишни бошлаймиз, масалан *stretched* сўзи инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилинганида инглиз-ўзбек луғатида келтирилган таржимаси “узайтирмоқ”, “тортмоқ” деган таржималарни беради. Контекстдан келиб чиқиб таржима қилмасак, бу сўз таржимаси мутлақо тушунарсиз бўлиб қолади. Иккинчи муаммо эса ушбу мантидаги *Canvas Art* терминларининг ўзбек тилида эквиваленти мавжуд эмас, шунинг учун

контекст ёрдамидагина ушбу терминларга аниқлик киритибгина муқобил таржимага эришиш мумкин. Қуйида инглиз тилида берилган эълон матнига ўзбек тилида ўз таржимамаизни тавсия этамиз:

Тўрт тарафдан рамкага қопланиб, расм чизишга тайёрлаб қўйилган оқ раннга бўялган канопдан ишланган мато профессионал тарзда юқори сифатли мот материалдан ёрқин рангда ишлаб чиқарилади ва мустахам ёғоч рамка устига қопланади.

Кўриниб турибдики, *Canvas* сўзи ўзбек тилида битта сўз орқали таржима қилинмайди. Биз юқорида келтирилган матнда ўзбек тилида ушбу қурилиш терминига мос сўзини таклиф қилар эканмиз, “Smartbox” гуруҳи томонидан тузилган электрон луғатда иккита маъно келтирилган бўлиб, биз иккинчи маънони қўллашни тўғри деб топдик: оқ раннга бўйилган канопдан ишланган мато. Инглиз тилидан ўзбек тилига таржима қилишда таржимон тасвирий изоҳли таржима усулидан фойдаланиб, битта компонентли инглизча термин олтига компонентли терминга айланди.

Термин ва унинг таржимасига оид муаммоларга эътибор қаратар эканмиз, замонамизнинг шиддат билан ривожланиши терминларнинг сони кўпайиши ва шу билан биргаликда бир тилдан иккинчи тилга таржима амалга оширадиган турли дастурлар кўпайишига қарамасдан термин таржимасида талайгина муаммоларга дуч келинмоқда. Айнан терминлар таржимасига оид бир неча илмий ишлар олиб борилган, лекин ҳозирги пайтгача аниқ ечим топилмаганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Термин таржимаси жараёнида кўп йиллик



тажрибага эга бўлган энг маҳоратли таржимон ҳам муаммоларга дуч келади. Юқорида айтиб ўтилгандай, таржимада йирик муаммолардан бири бу турли тилларда бир ҳил эквивалент учрамаслигидир. Шунинг учун таржимон турли таржима усулларида фойдаланиб, терминга муқобил вариант топишга ҳаракат қилади. Шунингдек, “терминологик тизим доирасидаги аксарият терминларнинг ўзбек тилидаги вариантыда ҳам маъно ва мазмун жиҳатдан мос тушадиган муқобилини топиш муҳимдир”.³ Масалан: рус тилида Д.В.Артюхович томонидан тузилган қурилиш терминларининг луғатида “*Хачиш*” сўзига қуйидаги маъно берилмоқда: *меҳмонларга мосланган, анъанавий ҳовли жойдан узоқроқда қурилган бино*. Бу сўз кабардин тилидан рус тилида ўзлашган, чунки рус тилида ушбу маънони берувчи сўз топилмаганлиги сабабли, таржимон тасвири изох усулидан фойдаланган.

Қуйидаги қурилиш терминларига эътиборимизни қаратамиз: *Шабер / Scraper* рус ва инглиз тилларида бўлиб, ўзбек тилида таржимаси *қирғич* деб берилмоқда. Лекин қурилиш термини сифатида ушбу сўз қурилишга оид термин маъносини тўлиқ ифода эта олмайди. Шунинг учун биз рус тилида берилган *шабер* терминни ўзбек тилига транслитерация усули ёки метал буюмлар сиртини тарашлаб, текислайдиган асбоб.

³ Madaliyevna, I. S., & Khasanovna, G. D. (2021). Comparative study of “assessment system” in the semantic field of “education”. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(5), 969-973.

Тасвири изох усули орқали беришни тавсия этамиз. Албатта, тасвири изох усули орқали термин берилганда компонентлар сони кўпайиб, матнда айрим носозликларга олиб келиши мумкин. Лекин термин янги, оммага ҳали бери нотаниш бўлса, тасвирий изох усули терминнинг тўлиқ маъносини бошқа тилда беришд энг қулай усул деб ҳисоблаш мумкин. Бундай таржима бериш усулини Д.Ғаниеванинг мақоласида ҳам кўришимиз мумкин.⁴

Матннинг оригинал ва таржима вариантларни таҳлил қилиш жараёнида термин таржимасида асосан транслитерация, транскрипция, калька ва синтактик трансформация усуллардан фойдаланилганини кузатишимиз мумкин. Транскрипция ва транслитерация усулидан фойдаланиб таржима қилиш таржимонга тез ва осон таржима қилишга ёрдам берибгина қолмай, интернационал терминларнинг кўпайишида омил бўлади. Лекин бу таржима усулида таржима қилинган матнларнинг камчилиги шундан иборатки, у фақат тор доирадаги аҳоли қатламига тушунарли бўлиб қолади⁵. Шунингдек, ушбу усулдан кўп фойдаланиш тил луғатининг бойишига салбий натижа кўрсатиши мумкинлигини таъкидлаш зарур эканлигини айтиб ўтамиз.

Қурилиш терминологияси таржимасида таржимондан катта маҳорат ва билим талаб қилинибгина

⁴ Khasanovna, G. D. (2020). “Educational process participants” and its lexical-semantic analysis in the uzbek and english languages. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(9), 427-431.

⁵ Хасанова Л, Матвеева А.В



қолмай, матни таҳлил қилиш қўникмалари ҳам талаб қилинади. Масалан, қурилиш термини бўлган қуйидаги сўзлар “язычки” (расположенные в частом мерном ритме узкие ступенчатые кронштейны (обычно кирпичные), поддерживающие карниз) – “*tongues*” (narrow, stepped, located in a frequent, measured rhythm brackets (usually brick) supporting the cornice) - *tishchalar* (karnizni qo'llab-quvvatlaydigan, tez-tez o'lchanadigan ritmda joylashgan tor pog'onali qavslar (odatda g'isht). Биз ўзбек тилида ушбу терминнинг мувофиқ эквивалентини излаб, рус ва инглиз тилларида берилгандай *тилчалар* эмас, балки *тишчалар* сўзини таклиф қиламиз. Лекин қурилиш соҳасида ўзбек тилида немис тилидан кириб келган *кронштейн* сўзи қўлланади. Биз мазкур терминга ўзимизнинг вариантимизни ўзбек тилида таклиф қилиб, терминлар қўлланишида ўзбек тили соҳиблари учун осон талаффуз қилинадиган

муқобил вариантларидан фойдаланганимиз маъқулроқ деб ҳисоблаймиз. Чунки қурувчилар ҳамда қурилиш материалларидан фойдаланувчилар терминлар қўллашда рус ва инглиз тилидан кириб келган терминларни ўзбек тили талаффузидан келиб чиқиб ёндашганда кўп сленглар вужудга келган. Масалан: рус тилидан келган қурилишда қўлланадиган сўз бирикмаси *без песчинки* ўзбек тилида *беспечонка* талаффуз қилинади. Албатта, ушбу носозликларни тилдан бартараф қилиш таржиманинг асосий вазибаларидан биридир.

Хулоса қилиб, айтишимиз мумкинки, терминлар таржимаси масаласи ниҳоятда долзарбдир. Терминлар таржимасида муқобил вариант топиш, матнда терминларнинг тўлиқ маъносини ифодалаш, таржима жараёнида мувофиқ таржима усулидан фойдаланиш таржимоннинг асосий вазибаларидир.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR:

1. Абдурахманова А.З. Лингвистическое моделирование строительной терминологии // Дисс. фил. фан. номзоди. М., 2016. – 220 с.
2. Авербух К.Я. 1986. Терминологическая вариантность: теоретический и прикладной аспекты, Вопросы языкознания, № 6, с. 38-49.
3. Даниленко В.П. Лексико-семантические и грамматические особенности слов-терминов. Исследования по русской терминологии. М. 1971. – С. 11-12
4. Лейчик В.М. Профессиональная и непрофессиональная лексика в профессиональных и непрофессиональных ЛСП. Вестник Челябинского государственного университета. 2011, № 24 (239), 29-32.
5. Реформаторский А. А. Что такое терминология? - М., 1961. – С. 49-51
6. Madaliyevna, I. S., & Khasanovna, G. D. (2021). Comparative study of “assessment system” in the semantic field of “education”. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 11(5), 969-973.



7. Khasanovna, G. D. (2020). "Educational process participants" and its lexical-semantic analysis in the uzbek and english languages. *ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal*, 10(9), 427-431.
8. Khoshimova, N. A. (2021). ASSOCIATIVE FIELDS OF THE COLLECTIVE AND INDIVIDUAL CONSCIOUS. *Theoretical & Applied Science*, (5), 436-439.
9. Ismoilova, G. (2021). FRAZEOLOGIK BIRLIKLAR KLASSIFIKATSIYASI. *Журнал иностранных языков и лингвистики*, 2(2).
10. Pakirdinova, S. A., & Qurbonova, M. (2019). IJTIMOY TARMOQLAR OMMALASHUVI!. *Интернаука*, (36), 70-72.